

“ШУНЧАКИ ЁЗМОҚКА БОРМАЙДИ ҚЎЛИМ”

Ҳакиқий шоир, аввало, шеърнинг руҳини янгилаши ва тилнинг табиатига тасъир кўрсата олиши керак. Бу дегани “достон”га “бўстон”ни қоғия килемаган дегани смас. “Бахор”га “наҳор”ни ҳам бемалол қоғия килавериш мумкин. Агар шеърнинг руҳи янгилаши, қоғияларнинг табиати ҳам янгилашиди, улар ўз-ўзидан янги сифат босқичига кўтарилади. Йўқса, бу қоғиялар чайналавереб ўлик сўзларга айланади. Ҳалима опа ўз овози билан ўзбек шеърининг руҳини янгилаш забардаст шоирларимиздан. Шеъриятда “овоз” дегани жуда кенг камровли тушунча. Ўзбек адабиётида Ҳалима Худойбердининг овози янгиран бошлаганига 50 йилдан ошиди. Унинг биринчи китоби “Илк муҳаббат” 1968 йилда чиқкан.

Ўтган йиллар мобайнида Ҳалима опанинг шеърлари ўзбек аёлининг мардановор овози каби жаранглаб турди. Бу шеърларда биз муштипар оналаримизнинг юрак уришларини сизганимиз, опа-сингилларимизнинг меҳроқибати тўлиқ бегубор туйгуларини, уларнинг орзу-армонларини, изтиробари, қувонч ва ташвишларини хис этганимиз. Бир сўз билан айтганда, ўзбек аёлининг қалбини ўрганаман, ўзбек аёлининг қалби билан танишаман деган одам Ҳалима опанинг шеърлари билан таниш бўлиши зарур.

Ҳалима опага яна бир шараф ёрлиги ато килинганки, бу ҳам ҳаммага насиб этавер-



Эҳтиром

майди. Гап шундаки, баъзан ҳамма яхши кўрадиган шоирни аданбийт яхши кўрmasлиги мумкин.

Ҳалима опага Аданбийтнинг ўзи яхши кўради, уни событ, мустаҳкам, фидойи ва заҳматкаш қизи сифатида эъзозлайди. Чунки у аданбийтёта нафақат садокат билан, шу билан бирга буюк мұхаббат билан хизмат қилди. У

ҳар қандай вазиятда аданбийт руҳи билан нафас олди, аданбийтнинг мустаҳкам мезонлари билан яшади.

Бир пайтлар Зулфия опага “Юрагида алантоб бор шоира” деб тавриф берганида Ҳалима опага ҳали мактабда ўқиб юрган муштадай қизалок бўлган. Мана, орадан ярим асрдан зиёд вакъ ўтди. Қарангки, ўша аланга, ўша

Адiba УМИРОВА

ИЖЗ ДАФТАРИ



1980 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган. 2005 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг Олий Аданбийт курсини тамомлаган.

“Яшил тушлар”, “Қўёшга йўл”, “Ёруғ сирлар” сингари шеърий тўпламлари музалифи.

Истеъододли шоирининг Ватанини бутун тарихий илдизлари билан англашша интилишлари, ишк олови ёнган қалб тасвирилари синглан шеърлари ўқувчилар қалбига йўл топа олади.



Навоийнинг китоблари кўпайиб кетгандан кейин уларни тартибда саклаш учун бир китобдор керак бўйиб колди. Үнга Мухаммад нақшо деган бир кишини тавсия қилдилар.

Мухаммад нақшонинг кўпайдан келмайдиган иш йўқ эди. У тош ва ёбочга ўйиб нақу солар, чилингларлик, дурдгорлик, Му-

ковасозлиқ ва ҳоказаларни билар эди. У Навоийнинг таклифини жон деб қабул қилди. Бир кун шоирининг ўйига якин дўстлари келган эдилар. Мехмонардан Ҳожа Дехдор токчага тизилган чинни лаган ва кўраларни томоша қилиб:

Миркарим ОСИМ

САНДИК СОАТ

— Чинни асборлар ясамоқда хеч ким хитой-ларга бас келломайдур, — деди. — Аларнинг хунарига кўйил қолмасдин илоҳ йўк...

— Рост, — деди Навоий унга бокиб. — Хитой фагуру (чининси) оламга машҳурдур, аммо ҳафсалар кильсалар, бизнинг усталар ҳам ўшандоғ чинни асборлар ясай биладурлар. Бизда чинни ясамоқ учун қераки оқ лой, оҳактош ва ҳоказолар бор.

— Одам ясаган нарсани одам ясай биладур, — деб гапга аралашиб қўйироқда ўтирган Муҳаммад нақшо.

— Боракалло, — деди Навоий кулиб. — Мен сиздин шул гапни кутган эрдим. Сиз моҳир бир кулиб топиб, шул ишга киришсан-гиз, Хитой усталаридин ўтказиб чинни идишлар ясай билар эрдингиз.

— Келинг, ҳохи Муҳаммадга оқ фотиҳ берайлик, Ҳиротиннинг оқ лойидин бизга фағфур идишоек ясад берсин, — деди Ҳожа Дехдор.

Дўстларнинг далласи Муҳаммад нақшонинг файралтанириб юборди. У ўзига ўхшаган ишчан ва моҳир бир куллони топиб, ишга киришиб кетди. Икковлон енг шамириб, оҳактош ва алакандай шаффоф кўк тошларни хованчда ячиб, элақдан ўтказиб дилар, оҳанрабо ёрдами билан уни темир зарраларидан тозалаб, кейин сувга кориб, роса пишиштилар. Сўнгра бу лойдан куол дастигоҳида лаган, кўра, бошқа буюмлар ясадилар ва уларни хумондан пиширилар. Муҳаммад нақшон кўкиши тошларни майдалаб, элақдан ўтказди шундай нақш берди, уларни хитой чинниларидан ажратиб бўлмас, чертсангижаранглар эди.

Муҳаммад нақшошу иш билан овора бўлиб юргонда кўнгилсиз бир ҳодиса юз берди. У Навоийга зарур бўлиб колган бир китобни токчадан оламан, деб уни девор тагидаги соат устига тушириб юборди. Соат тўхтаб қолди.

шижо то бора кучайса кучайиб бордики, лекин сусаймади, ҳамон унинг қалбida шу ўтириллаб турди. Зоро, бу алангани Худонинг ўзи берган. Ҳалима опанинг:

Салом, дедим ёнмоққа,
Салом, ўтириллаб ўт!

деган сатри ҳам шунга ишора. Ҳалима опага бирор сатрини ҳам шунчакига ёзмаган. Шунчаки, эрмак учун ёзиши ор билганд, сўзбозлиданномуны қўйлар. Бу иходий интизом эса унинг ҳар бир шеърига ҳаёт ва ҳақиқат руҳини олиб кирган. Шунинг учун шоир бўлмалан деб кўлига қалам олган ҳар бир одам, хусусан, сўз юкини зими масасига олаётган ҳар бир ёш иходкор Ҳалима опанинг кўйидаги сатрларини ўзига шиор қилиб олса арзиди:

Шунчаки ёзмоқ-чи, кўнгил тўлмайди,
Шунчаки ёзмоққа бормайди қўлим.
Шунчаки ёзмоққа чидаб бўлмайди,
Шунчаки ёзмоқ бу — шонрга ўлим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Ўзбекистон халқ шоирини Ҳудойбердинева “Эл-юрт хурмати” ордени билан мукофотланди. Бу ходиса адабиётимизнинг катта байрамига айланниб кетди.

Муборак кунларингиз муборак бўлсин, азиз Ҳалима опага!

Эшқобил ШУКУР,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Янги таржималар

Ўзига хос анъаналарга бой Хитой мумтоз адабиёти жаҳон маданиятига кўплаб дурдона асрларни тақдим этган. Айниқса, Тан суплатси даврида бир қатор истеъододли шоирлар етишиб чиқди, бу авлод хитой шеъриятининг “олтин асри”га асос солди. Жумладан, Мэн Ҳажони, Ван Вэй, Бо Цээйи сингари машҳур шоирлар орасида Ли Bo ба унинг яқин дўсти Да Фу шеърияти бетақор ҳамда жозибалидир. Бу иккича улуг иходкор меросидан айрим намуна-лар таржимасини тақдим этади.

БАХОР АЙЁМИДА ТУЛЛАР ШАРМОТОЛИ

Ли БО



ОҚАР СУВЛАР

Оқар сувнинг чиройи —
Мезоннинг тўлин ойи.

Жанубий кўлда қат-қат,
Жимлик ила сукунат.

Недир истар ниуифар
Фамгин гусса таратар.

Истаги қалбимга ҳам
Лиммо-лим тўлса алам.

ДАРЁ ҲАҚИДА ШЕЪР

Софланади менинг қалбим
Бунда, Тиник дарёда.

Сувнинг ранги ажойиб —
Минг дарёга ўхшамас.

Рухсат беринг, ундан сўрай
Синъян — олис маъводиа.

Қамишлар сув ичра шундай
Қўринарми ҳар нафас?

Одамларнинг акси ҳам
Жимирлар оқ кўзгуда.

Кушлар акси кўнирадан
Раннинг парда ортидан.

Лен маймунлар шоқини,
Оқшом сукуни ичра,

Кувар ўйловчиларни —
Оидин кечга сайридан.

Ду ФУ



БАХОР ТҮЛКИНЛАРИ

Баҳор айёмида
Гуллар шафтоли,

Дарё соҳиллари
Оқар лиммо-лим,

Чошѓоҳ лаҳзалари
Тубсиз мисоли,

Ва кўча эшигин
Қоқади тўлции.

Қармоқни ташлайман
Хўрекни илоб,

Сув ўйлини очаман
Томорқа томон,

Кушлар гала-ғафла
Дарёга тўлиб,

Ва улар ҳар бири
Ўзича хандон.

ҚИШЛОҚ КЕЧАСИДА

Кунлар совиб кетди
Шамол, рутубат,

Кимсасиз ҳувиллар
Дарё соҳили.

Ғамгин гичирлайди
Тегирмон фақат,

Қўшиғ ҳовлисида
Гулханинг нури.

Шу ерда яшарман
Бир муддат, ахир —

Исён ҳам гам-ташвиш,
Ўрганар бағрим!

Оғаниларим
Пойтактда ҳозир,

Орамизда эса
Ўнинг чақирим.

Рус тилидан Ҳумоюн таржимаси.

Чўлда

Бу чўллар мангу бешак,
Карвон босиб келар ийл.

Бир туда булаңчак,
Бирида баҳмал замбил.

Қўлдан тушмас бир фурсат,
Умид деган олтин жом.

Кимга баҳт, кимга кулфат,
Олиб келар бу оқном.

Парво қильмас дала-туз,
Қумзорлар — ёнар танча.

Бунда изисиздан-изисиз,
Келиб-кеттанилар қанча!

Тиним билмас шамоллар,
Афсона тўқир гулхан.

Дунё қайта яралар —
Бор экан-да, ийк экан...

Мен бир Навоийга шайдо сўзтурман,
Фузулийга гойбона ошиғинг.
